

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРНИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*подполковник Аҳмедов Фарҳод Сайдалиевич
Малака ошириш институти Касбий
тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли
ўқитувчиси
+99893 1171133
+99899 8226327*

Вояга етмаган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий асослари, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатлари, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки, ушбу соҳани амалга оширувчи органлар белгилаб берилган.

Вояга етмаган, шахс, жиноят, жазо, назоратсизлик, жарима, ислоҳот, либераллаштириш Аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш – бугунги кунда энг муҳим вазифадир.

Шавкат Мирзиёев

Бугун мамлакатимизда барча жабҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар янада жадал тус олмоқда. Кўзланган марралар эса аниқ. Бу тараққиёт сари илгарилама ҳаракат. Бу янгилаш ва замонавийлашиш. Бу нафақат иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш. Бу янгича фикрлаш, янгича дунёқараш, ҳаётга, ишга, ўқишга бўлган муносабатни ўзгартиришдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев: **«Халқимиз яратгандан аввало тинчлик-хотиржамликни сўрайди. Шундан сўнг ўз уйим, бошпанам бўлса, оилам, бола-чақам билан соғ-саломат яшасам, дейди. Биз халқимизнинг ана шундай орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун иккита масалага, яъни ички ишлар ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратаёпмиз»**, деганларида тинчлик-хотиржамликнинг инсон, жамият, давлатнинг энг муҳим ҳаётий манфаатларини рўёбга чиқаришдаги ўрни ҳамда бу буюк неъматни таъминлаш умуммиллий вазифа эканлигини назарда тутди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ республикаимизда барча соҳаларда, шу жумладан, ҳуқуқий соҳада кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бундай ислоҳотлар орасида жазо тизимини либераллаштириш, жумладан, жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан

қўлланиладиган жазоларни қайта кўриб чиқиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Биринчи Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида шундай таъкидлаган эди: “Биз вояга етмаганлар, аёллар ҳамда кексаларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизимини қайта кўриб чиқмоғимиз зарур. Бизнинг жиноят қонунчилигимиз инсонпарварлик қоидаларига асосланган ҳолда, жиноят содир қилган аёллар ва вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда бир қатор енгилликларни назарда тутуди.”

Вояга етмаган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишнинг хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Умумий қисми VI бўлимида ўз аксини топган. Маълумки, Жиноят кодексининг 16-моддасига асосан, жиноят учун жавобгарлик – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланиладиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Жиноят кодексига назарда тutilган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар) бола ҳисобланиши белгиланган. Шу сабабли, жиноят қонунчилигида вояга етмаган шахсга жиноят содир этганлик учун жавобгарлик белгилашда қонун чиқарувчи томонидан вояга етмаган шахснинг ёши, ўзига хос физиологик ва интеллектуал ривожланиши, боланинг ўз хатти-ҳаракатларининг моҳиятини англаш қобилияти, унинг жамиятда тутган ўрни, шуғулланиши мумкин бўлган касби ҳамда бошқа омиллар ҳисобга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-моддасига мувофиқ, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар. Лекин, ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қоидаларга мувофиқ жавобгарликка тортилсаларда, уларга жазо белгилашда вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари ҳисобга олинади. Шунингдек, вояга етмаганлар, уларнинг ҳаракатларида фақат Жиноят кодексининг 17-моддасида кўрсатиб ўтилган моддалардаги жиноят таркиби мавжуд бўлган ҳоллардагина жавобгарликка тортилиши мумкин.

Вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган жазолар тизими вояга етган шахсларга қўлланиладиган жазолар тизимидан фарқ қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 81-моддасига асосан, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш каби асосий жазолар қўлланилади. Вояга етмаган шахсларга нисбатан, вояга етган шахсларга қўлланиладиган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳамда умрбод озодликдан маҳрум қилиш каби жазолар қўлланилмайди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасига асосан

хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Шунингдек, вояга етмаган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас.

Вояга етмаган шахсларга белгиланган жазоларнинг миқдори ҳам вояга етган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо миқдорларидан фарқ қилади. Масалан, вояга етган шахсларга белгиланган жарима энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорни ташкил этса, вояга етмаган шахсларга жарима энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади. Шунингдек, вояга етган шахсларга нисбатан қамоқ жазоси бир ойдан олти ойга қадар қўлланилса, вояга етмаган шахсларга ушбу жазо бир ойдан уч ойга қадар қўлланилади.

Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортишда асосий жазо турлари ўрнига вояга етмаган шахснинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайдиган чораларнинг қўлланилиши, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, ёхуд ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаслигининг Жиноят кодексида назарда тутилиши инсонпарварлик ва одиллик принципининг намоён бўлиши, десак хато бўлмайди. Зеро, биринчи Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, “Шуни барчамиз англаб олишимиз муҳимки, колониялардаги ишлар нечоғли яхши ташкил этилмасин, барибир, бу ер ёшларни тарбиялайдиган жой эмас.

Кўп ҳолларда арзимас қилмиши эвазига қаттиқ жазо олган навқирон йигит айнан шу ерда жиноят оламига киради, ашаддий жиноятчиларга қўшилиб, уларнинг турмуш тарзига хос кўникмаларни эгаллай бошлайди.”

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини янада кенгроқ ҳимоя қилиш, уларнинг ёши, ўзига хос физиологик ва интеллектуал ривожланиши, ўз хатти-ҳаракатларининг моҳиятини англаш қобилияти, унинг жамиятда тутган ўрнини инобатга олган ҳолда жиноят содир этган ёшларни қайта тарбиялаш, уларга нисбатан инсонпарварлик принципини кенгроқ қўллаш, қўлланиладиган жазоларнинг самарадорлигини ошириш, вояга етган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жавобгарликка тортиш ва жазони ижро этиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарлик ва жазодан озод қилиш муддатларини қисқартириш масаласини кўриб чиқиш, мазкур йўналишда чет эл тажрибаси, жумладан, МДҲ давлатлари жиноят қонунчилигини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Жиноят содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш билан бир қаторда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, жазони ўтаган вояга етмаганларни жамиятга қайтариш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини алоҳида таъкидлаб

ўтиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 17 майдаги 13-сон қарори билан Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисида Низом тасдиқланиб, ушбу Низомга асосан комиссиялар туманлар (шаҳарлар), вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида тузилиши белгилаб берилди.

Бундан ташқари, низомнинг 5-бандига мувофиқ, комиссиялар раис (туман (шаҳар), вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ёки уларнинг ўринбосари), раис ўринбосари, масъул котиб ва комиссиянинг 6–12 нафар аъзосидан иборат таркибда тузилади. Комиссия аъзолари сони комиссиянинг иш ҳажмига қараб белгиланади. Комиссиянинг масъул котиби жорий ишларни ва комиссия қарорларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади. Туманлар (шаҳарлар), вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги комиссияларда масъул котиб лавозими, зарурият бўлганда эса вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспектор лавозими жорий этилади. Комиссия таркибига тегишли равишда халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими, соғлиқни сақлаш, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ички ишлар органлари, шунингдек хотин-қизлар қўмитаси, касба уюшмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, мудофаага қўмаклашиш жамияти, меҳнат жамоалари, маданий-маърифий ва бошқа муассасаларнинг вакиллари кирадилар. Комиссиялар таркибида: вояга етмаганлар ўртасида маданий-тарбиявий ишлар бўйича, таълим муассасалари ўқувчилари билан ишлаш бўйича, вояга етмаганларни ишга жойлаштириш ва уларнинг маиший турмуш шароитларини яхшилаш масалалари бўйича, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ва тарбиялаш колонияларидан озод қилинган вояга етмаганларни назорат қилиш бўйича секциялар ташкил этилиши мумкин.

Шу билан бирга, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тегишли қонун қабул қилиш йўли билан тартибга солиш мақсадида, 2010 йил 29 сентябрда “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун билан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки, ушбу соҳани амалга оширувчи органлар белгилаб берилди.

Жумладан, мазкур қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади. Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи махсус бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларидан ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан (бундан буён матнда ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази деб юритилади) иборатдир. Ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ўз ваколатлари доирасида иштирок этади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

Хулоса ўрнида шуни таъкилаш лозимки, юқорида санаб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вояга етмаган жиноят содир этган шахслар билан ишлаш, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, жазони ўтаган вояга етмаган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишида кўмаклашиш, уларнинг турли оқимларга кириб қолишини олдини олиш ҳамда ушбу соҳага масъул бўлган органлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва ушбу органларнинг иш самарадорлигини тўлиқ таъминлашга ҳизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР ВА НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., 2023 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон Қонуни;
5. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисида”ги 490-сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли

Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2883-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 4342-сонли Қарори.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:

1. [http:// akadmvd.uz](http://akadmvd.uz) (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси)
2. [http:// lex.uz](http://lex.uz) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)
3. [http:// www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) (Ахборот таълим тармоғи)